



## "EZGU AMAL" Фонди Тақдимоти



[www.ezguamal.org](http://www.ezguamal.org)



"EZGU AMAL" фондининг асосий мақсади онкологик касалликларга чалинган болаларга ва қийин вазиятга тушиб қолган инсонларга ёрдам кўрсатишдир.

### Қуйидаги ёрдам курсатилади:



Тиббий препаратлар ва тиббий техник асбоблар сотиб олиш;









Тиббий хизматлар тўловини Ўзбекистонда ва хорижда амалга ошириш;



Аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини психологик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш.



## EZGU AMAL - бу:

-  Волонтёрлар томонидан онкологик бемор болаларга ёрдам кўрсатиш учун ташкил этилган биринчи Фонд.
-  Пул йиғиш усули - фандрайзингни қўллайди.
-  WEB сайтига эга ва эквайринг системасидан фойдаланади.
-  Ҳар йили оммавий йиллик ҳисобот тақдимоти ўтказади.
-  Жамоат учун очиқ ва шаффоф.
-  Оммабоп ва унга алоқага чиқиш таъминланган.

# Уч йил мобайнида ёрдам олганлар:

**10 000**

дан  
ортиқ

Қабул қилинган аризалар

**100**

дан  
ортиқ

Эҳсон қабул қилинган

**500**

дан  
ортиқ

Мақсадли ёрдам

**5 000**

дан  
ортиқ

Лойиҳалар доирасида

**50**

дан  
орти

Лойиҳалар

**5 600**

дан  
ортиқ

Ҳаммаси бўлиб ёрдам олганлар

# EZGU AMAL дастурлари



## Мақсадли ёрдам

Дастур онкологик, гематологик ва даволаниши оғир кечадиган бемор болаларга мамлакат ичида узоқ муддатли ёрдам кўрсатиш. Фонд болани тўлиқ ўз васийлигига олади ва у бутунлай даволаниб кетгунича ёрдам кўрсатади.



## Тез ёрдам

Дастур шошилиш ёрдам бўлиб, бунда болалар онкология ва гематология бўлимлари беморларига ҳаётий зарур ҳолларда қон компонентлари ва бoshка тиббий анжомлар сотиб олишда ёрдам берилади.



## Имкон бер

Дастур онкологик, гематологик ва даволаниши оғир кечадиган бемор болаларга хорижий юртларда тиббий хизмат кўрсатилиши учун ёрдам кўрсатиш.



## Меҳр якин

Дастур МБТМининг онкология ва гематология бўлимлари беморларига ёрдам. Ёрдам ўз ичига:

- дори-дармон воситалари билан;
- тиббиётга мўлжалланган анжомлар, қон компонентлари ва тиббий материаллар билан;
- МБТМида тиббий хизматлар тўловини тўлаш каби кўмакни олади.



## Ишон ва кураш

Дастур онкологик бемор болалар ва уларнинг оилаларига онкопсихологик ёрдам кўрсатишга қаратилган:






- онкопатологияга қарши курашда психологик ёрдам кўрсатиш хоналарини ташкил қилиш;
- паллиатив ёрдам (хоспис) болалар марказини тузиш;
- Ота-оналар клубини тузиш.



## Закот, Эҳсон

Фонд Эҳсончи ва уни қабул қилувчи ўртасида воситачилик қилади. Бу кўрсатилаётган ёрдамни тўғридан-тўғри Эҳсончининг қўлидан олиб уни Қабул қилувчи қўлига топширилишини ташкил қилиб хайрия ишида шахсан иштирок этиш имконини яратади.

## Пул маблағлари йиғиш ва қабул қилиш усуллари:


-  [www.ezguamal.org](http://www.ezguamal.org) сайтида эквайринг системаси орқали;
-  Онлайн тўлов системалари (Apelsin, Click, Payme, Paynet) орқали;
-  Хайрия қутилари орқали;
-  Хайрия концертлари, марафонлари, матчлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш орқали;
-  Юридик шахслардан Фонднинг ҳисоб рақами орқали ва жисмоний шахслардан Фонд кассасига тўлов орқали.

# Фонд лойиҳари



## «ХАЙРИЯ МАТЧИ»

"HUMO-ARENA" Муз Саройида "ҲУМО"  
хоккей клубининг хайрия матчи



## «МАРАФОН LADY RUN 2020»

Lady Run 2020 Хайрия марафони KREDIT OSIYO SERVIS» Компанияси кўмагида  
ташкил этилган.



## «ЎЗБЕКИСТОН ЁШ АРСЛОНЛАРИ»

Конкурси ижодкор ёшлар томонидан уюштирилди.



## «БОЛАЛАР МЎЪЖИЗА КУТАДИЛАР»

Онкология маркази болалар бўлимида  
Янги йил байрами.





## «ХАЙРИЯ МАТЧИ»

Замонавий агрокластер Silverleafе хамкор компаниялар билан биргаликда мамлакатда биринчи марта "ФУТБОЛ ХАЙРИЯ МАТЧИ» ни ўтказди. Хайрия матчи Tashkent International School нинг очиқ майдонида ўтказилди.

## «ОНЛАЙН-МАРАФОН»

«Ezgu Amal» Жамоат Фонди «Юксалиш» Умуммиллий ҳаракати ёрдамида ва Ўзбекистон волонтерлар Ассоциацияси орқали онкодиагнозли болаларга бағишланган «Ezgu Amal» Хайрия Марафони ўтказди.

## «MASHAV»

Ўзбекистондаги Изроил Элчихонаси кумагидаги лойиха



## «ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН БИРДАМЛИК»

"Ўзбекистон билан Бирдамлик" ҳаракати доирасида Хива, Самарканд вилояти болалар тиббиёт марказида ва Нукус шошилинч ёрдам марказида кислород станциялари ўрнатилди.


## «ХАЙРИЯ АУКЦИОНИ»

Hyatt Regency Tashkent меҳмонхонасида халқаро реклама конференцияси, ABC-show, тантанаси, TAF!21 энг яхши реклама танлови ғолибини мукофотлаш, дизайнерлар учун воркшоп маросимлари ўтказилди. Фестивал доирасида хайрия аукциони ташкил этилиб, ундан тушган маблағ оғир бемор болаларга ёрдамга йўналтирилди



A close-up photograph of several hands of different skin tones stacked together in a circle, symbolizing teamwork, unity, and support. The hands are positioned in a way that they form a central point, with fingers pointing outwards. The background is a soft, out-of-focus green, suggesting an outdoor setting. The overall image has a warm, positive feel.


**Ҷамкор дўстлар**



## Ҳамкорлик ва ижтимоий шерикчилик ёрдамини кўрсатиш учун таклиф.

Агар Сиз «EZGU AMAL" Жамоат Фонди амалга ошираётган Хайрия ишларига бефарқ бўлмасангиз ва оғир бемор болаларга ёрдам кўрсатишдек савобли ижтимоий ташаббусга қўшилишни ҳамда Фонд ташаббусларида мунтазам иштирок **Этишни истасангиз:**

- Фонд Дастурларини тўғридан-тўғри молиявий қўллаб-қувватлаш;
- Ходимларингиз билан Фонд тадбирларида иштирок этиш;
- Маҳсулотингиз савдо-сотувидан тушган маблағнинг маълум бир фойизи ёки белгиланган суммани Фонд ишларига ёрдам учун ўтказиш;
- Компания мижозлари ва ҳамкорларига Фондни қўллаб-қувватлаш учун хайрия қилиш имкони борлигини маълум қилиш;
- Ташкилотингиз ҳудудида Хайрия қутиси ўрнатиш;
- Компания ходимларининг волонтерлик ҳаракатидаги иштироки каби савобли ишларга бош қўшилишни таклиф этамиз.



Биз ўз фаолиятида ижтимоий масъулият манфаатини кўзлаган  
бизнес ташкилотлар ҳамда хусусий сектор тадбиркорлари билан  
ҳамкорлик қилиш ва биргаликда амалий сермахсул ишлар олиб  
боришга ҳамиша тайёرمىз!



## Саратон - ҳукм эмас!

Ҳеч бир бола бу дунёни ҳаётининг илк даврида тарк этмаслиги керак!



[www.ezguamal.org](http://www.ezguamal.org)



[ezguamal@mail.ru](mailto:ezguamal@mail.ru)



+998 55 503 03 77



[@ezguamal](https://www.facebook.com/ezguamal)



[@ezgu\\_amal](https://www.instagram.com/ezgu_amal)



[@ezguamaluzb](https://www.telegram.com/@ezguamaluzb)